Тошкент оқшоми

2015 ЙИЛ 16 МАРТ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 62 (12.875)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК: ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Аёлнинг гўзаллиги ва нафосатини гулга, унинг иродасини метинга қиёслайдилар. Ҳаё ва иффат, вафо ва садоқат, меҳр ва муҳаббат тимсоли бўлган аёлларимиз бор экан, хонадонларимиздан файзу барака аримайди.

Уй-рўзғор юмушлари, фарзанд тарбияси одатда аёл зиммасида бўлади. Шу билан бирга, фаол ва ташаббускорлик фазилатларини намоён этиб, раҳбар, тадбиркор, маҳалла жонкуяри, маслаҳатчи, оилада эса хонадон бекаси, меҳрибон она вазифасини уддалаб келаётган аёлларимиз сафи бугун тобора кенгаймоқда.

«Мустафо текстиль» оилавий корхонаси раҳбари Гулнора Мўминова ана шундай фаол ва жонкуяр аёллар сирасига киради.

Унинг уйдан, фарзандлар, набиралар тарбиясидан ажралмаган ҳолда тиккан кўйлаклари, дераза пардалари ва тўйларга буюртма асосида тайёрлаган ширинликлари кўпчиликка манзур бўлиб, бозорда ўз харидорини топмоқда. Ҳунарини ёшларга ўргатиш ва уларни иш билан таъминлашни мақсад қилган тадбиркорнинг тикувчилик цехида касб-ҳунар коллежларини битирган йигирмадан зиёд қизлар турли бичимдаги миллий ва замонавий либослар тикиш билан шуғулланмоқда.

Корхона тикиш учун керакли бўлган барча ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда замонавий тикув машинаси, оверлок, бичиш, дазмоллаш, матога турли безак тошлари ёпиштирадиган жиҳозларни кўриш мумкин. Цехда қолиплар ёрдамида тошлардан турли шаклдаги янги безаклар яратилади. Тадбиркорнинг таъкидлашича, харидорларни ўзига жалб қилишни истаган ишбилармон ҳар ойда янги моделлар яратиши, фаслларда ҳам олдинда юриши зарур. Бунда қиш учун либосларни кузда, ёзлик кийимларни эса режа асосида баҳорда тикишни бошлаш керак.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бугун Г.Мўминова каби юртимиздаги минглаб тадбиркор, меҳнатсевар, фидойи ва қўли гул аёлларнинг эзгу интилишларига кенг йўл очмоқда. Хотин-қизлар юртимиз сиёсий-ижтимоий, социал-иқтисодий ҳамда маданий-маърифий ҳаётида тобора фаол иштирок этмоқда.

Албатта, бизнесда тезда ютуққа эришиб бўлмайди. Бу вақт ва сабрни талаб этади. Ўн йилдан кўпроқ муддат уйдаги кичкина цехда аёллар учун турли бичимдаги либослар тикиш билан шуғулланган тадбиркор аёл фаолиятини кенгайтириш мақсадида 2013 йилда тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Мустафо текстиль» оилавий корхонаси фаолиятини йўлга қўйди.

– Мустақиллик аёлларимиз ҳаётида, турмуш тарзида, онгу тафаккурида, интилиш ва мақсадларида улкан ўзгаришлар ясади, – дейди Гулнора Мўминова. – Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, фаоллигини оширишга, салоҳияти, иқтидори ва имкониятларини намоён этиши учун шарт-шароит яратишга қаратаётган эътибори ва ғамхўрлиги самарасидир.

Ҳалоллик бор жойда қут-барака, кўнгил хотиржамлиги бўлади. Юртимизда ҳалол меҳнат қилиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун барча шароит ва имконият яратилган. Бунинг қадрига етиб, ундан самарали ва тўғри фойдаланаётганларнинг ошиғи олчи, обрўси баланд.

Ўз маблағлари ҳисобидан иш юритиб, ютуқларга эришаётган Гулнора опа жорий йилда банк сармояларидан ҳам фойдаланиш истагида. Шу мақсадда у ўз ҳовлисида қандолат цехи учун бино қуришни режалаштирмоқда. Фаолиятини ҳам кенгайтириб, корхонасида «Уста-шогирд» мактабини йўлга қўйиш, ёшларни бу ишга янада кенгроқ жалб этиш ниятида. Шунингдек, яқин кунларда Хитойга сафар қилиб, либос матоларини ўйма шаклида тикишда қўл келувчи техникалар харид қилмоқчи.

Зиёда ВОҲИДОВА

Сайлов – 2015

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва халқаро кузатувчилар иштирок этди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар ижроси, жумладан, участка сайлов комиссиялари фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётининг айрим масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси мамлакатимиз Конституцияси, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарор, низом ва йўриқномалари асосида очиқ ва ошкора ўтказилаётгани таъкидланди.

Марказий ва округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги, ушбу муҳим сиёсий тадбирни ўтказиш амалиёти бўйича билим ҳамда кўникмалари ошириб борилмоқда. Улар учун семинар-тренинглар ўтказилиб, ташкилий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда.

Мажлисда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар иштирок этиш ҳуқуқига эга экани қайд этилди.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси зарур ҳужжатларни тақдим этган халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар кузатувчиларини, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакилларини рўйхатга олиш масаласини кўриб чиқди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси халқаро кузатувчилари Хоразмда бўлиб, Президент сайловига тайёргарлик жараёнининг бориши билан танишдилар.

● Сайлов жараёнларини кузатиш учун мамлакатимизга келган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилари миссияси штаби бошлиғи ўринбосари Олег Кулеба Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 1-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссиясида бўлди.

● Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сурхондарё округ сайлов комиссияси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида сайловда илк марта иштирок этадиган ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлимлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамкорлигида Нукус сув ва мелиорация касб-ҳунар коллежида ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

● Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалида ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳаси мутахассислари учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Россиянинг Брянск вилоятида юз берган йирик йўл транспорт ҳодисаси — микроавтобуснинг юк машинаси билан тўқнашиб кетиши натижасида 12 киши жабрланди, улардан 11 таси ҳаётдан кўз юмди. Ҳозирда тўқнашувнинг сабаблари аниқланмоқда.

● Кеча Исландия пойтахти Рейкьявик шаҳрида ҳукуматнинг Европа Иттифоқи таркибига киришдан воз кечиш ҳақидаги қарорига қарши 7 мингдан ортиқ киши норозилик намойишига чиқди.

● Вануату орол давлатининг маъмурлари табиатнинг глобал ўзгариши ушбу мамлакатга хуруж қилган кучли «Пэм» тўфонининг пайдо бўлишида муҳим ўрин тутганлигини таъкидлашди. Айтиш жоизки, ушбу табиий офат натижасида 8 киши ҳаётдан кўз юмди, мамлакат пойтахти Порт-Вели шаҳридаги 90 фоизга яқин уйлар вайрон бўлди. Ҳозирда Вануатуга дунёнинг турли мамлакатларидан инсонпарварлик ёрдами келмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ҲИСОБОТЛАРИНИ ЭШИТДИЛАР

13 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Конституциявий ваколатларга кўра, депутатлар сиёсий партияларнинг 2014 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитдилар. Мазкур масала бўйича Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Ижроия қўмитаси Сиёсий кенгашининг раиси С.Турдиев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгашининг раиси Ҳ.Кетмонов, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Ижроия қўмитаси Марказий кенгашининг раиси С.Отамуродов, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Ижроия қўмитаси Сиёсий кенгашининг раиси Н.Умаров маъруза билан сўзга чиқдилар.

(Давоми 2-бетда)



Наврўз аждодларимиз неча минг йиллардан буён нишонлаб келаётган гўзаллик ва нафосат айёми ҳисобланади. Бу фусункор шодиёна ҳамиша эзгуликни улуғлаб, халқимиз дилига меҳнатсеварлик, бунёдкорлик, меҳр-мурувват, ватанпарварлик, шукроналик, мўл ҳосил ва қут-барака тилаш каби эзгу ғояларни ўзида жо этиб келган.

Ўлкамизда Наврўз нафаси

УЮШҚОҚЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК БИЛАН

Азалдан Наврўз арафасида ота-боболаримиз ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратишган. Албатта бу эзгу ишларни амалга оширишда халқимизга хос бўлган ҳашарнинг ўрни катта. Жумладан, 14-15 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари бутун республикамиздаги каби пойтахтимизда ҳам кўтаринки руҳда, уюшқоқлик билан ўтди.

Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, халқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, беғараз ёрдам, меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, маҳаллалар, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, Тошкент шаҳрининг барча ҳудудларида санитария ҳолатини яхшилаш ҳамда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ташкил этилган умумхалқ ҳашари албатта, юртимизнинг янада обод ва файзли бўлишига хизмат қилади.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқарувининг берган маълумотига кўра умумхалқ хайрия ҳашари жойлардаги барча ташкилотлар, муассасалар, корхоналар, шунингдек, пойтахтимизда мавжуд 475 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида уюшқоқлик билан ташкил этилиб, унда 1 млн. 113 мингдан зиёд юртдошимиз қатнашди, шулардан 723 минг нафарини ёшлар ташкил этади. 1152,8 гектар ер майдони ободонлаштирилиб, 1350 тонна қурилиш ва маиший чиқиндилар ташкилий равишда тўпланиб, махсус жойларга чиқариб ташланди.

Ҳашар давомида 696,4 км. ариқ ва зовурлар тозаланиб, кўп қаватли уйлар ва ҳовлилар атрофи, гузар ва хиёбонлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар, болалар майдончалари тартибга келтирилди. Шунингдек, шаҳримиздаги 10 та муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳ ва 70 та қабристонлар тозаланиб, уларда ободонлаштириш ва тартибга келтириш ишлари амалга оширилди. Туманларда ҳудудларни ободонлаштириш ишларига алоҳида аҳамият қаратилиб, бўш турган ер майдонлари ўрнида кичик боғлар ташкил этилиб, маҳалла фуқаролар йиғинлари идораларига туташ ҳудудлар кўкаламзорлаштирилди. Ўтказилган умумхалқ ҳашари давомида маҳаллалар ҳудудларида 32 минг тупдан ортиқ манзарали, 59 минг тупга яқин мевали дарахтлар ҳамда 195 минг тупдан ортиқ гул кўчатлари экилди.

(Давоми 3-бетда)

29 март — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни давом этмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги қарори асосида жойларда учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА



Учтепа туманидаги Тошкент қурилиш-коммунал касб-ҳунар коллежи ҳамда Бектемир туманидаги республика телевидение ва радио коллежида ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ ишончли вакили Ҳайдар Бобохоновнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувларда туманлардаги корхона, ташкилот, ўқув муассасалари ходимлари, партия фаоллари, маҳаллалар фаоллари қатнашди. Йиғилишларда юртимизда катта бир сиёсий жараён, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловига тайёргарлик кетаётганлиги, бунда ҳар бир сиёсий партия ўз номзодини кўрсатиб бугунги кунда уларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Ишончли вакил Ҳ.Бобохонов номзоднинг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолияти ва сайловолди дастури билан йиғилганларни таништириб ўтди.

Дастурда, энг аввало, мамлакатимизда давлат ва жамиятнинг манзилли ижтимоий муҳофаза ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлашига эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим ва соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ, уй-жой ва коммунал хизматлар кўрсатиш тизимини янада ислоҳ этиш, ички ва ташқи сиёсатни изчиллик билан давом эттиришга эътибор қаратилган.

Сайловолди дастури Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг устувор ғояларига асосланади. Унинг устуворликлари жамиятнинг барча аъзолари учун ҳар томонлама ривожланиш ва ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлашга интилиш билан белгиланади.

Бу борадаги асосий устуворлик кўпчилик аҳоли, авваламбор, давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд бўлган қатламлар манфаатлари йўлида меҳнатга лаёқати аҳолининг муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларига эга бўлишга интилишини қўллаб-қувватловчи, уларнинг шахсий ташаббускорлиги ва ишбилармонлигини рағбатлантирувчи кучли ижтимоий сиёсатни юритиш; мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга, уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муассасаларини битиргач, албатта, биринчи иш ўринларига эга бўлишлари учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитларни яратиш; шунингдек, пенсионерлар, меҳнатга лаёқатсиз ногиронлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз аҳолининг бошқа ижтимоий гуруҳлари ҳаётий эҳтиёжларини тўлиқ қондиришни кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизимини шакллантириш ҳисобланади.

Мазкур масалалар жамиятнинг барча аъзолари учун ҳар томонлама ривожланиш ва ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Учрашувларда жумладан, Учтепа туманидаги 109-мактаб директори ўринбосари Атҳам Дўстёров сўзга чиқиб, номзоднинг сайловолди дастуридаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мақбуллиги борасидаги таклифлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Бектемир туманидаги Ҳусайн Бойқаро номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муҳиддин Саттаров номзоднинг сайловолди дастури ва унда илгари сурилаётган масалалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди. Жумладан, мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш партия Сайловолди платформасида асосий йўналиш сифатида белгилаб олинганлигини, Ҳотамжон Кетмонов Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, давлат ва жамият томонидан манзилли ижтимоий ҳимоя ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари, жумладан, пенсионерлар ва ногиронлар, шунингдек, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш билан шуғулланадиган бюджет ташкилотлари ходимлари, ижтимоий соҳа вакиллари манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишда фаол иштирок этишни ўзининг муҳим вазифаси деб белгилаганлигини эътироф этди.

«Қуюв механика заводи» шўъба корхонаси ходими Равшан Исаков эса ўз чиқишида қуйидагиларни гапириб ўтди. Маълумки, стратегик мақсадимиз — кучли очиқ фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этишни одил судлов тизимисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Номзодимиз келажакда ижтимоий ҳаёт эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, қонунчиликни янада такомиллаштириб бориш зарурлигини таъкидламоқда. Ана шуни ҳисобга олиб, қолаверса, тараққиётнинг илгарилаб бораётганлиги ва унга монанд ҳаракат қилиш давр талаби эканлигини инобатга олган ҳолда, у фуқароларнинг судга оқилона муддатларда мурожаат қилиш ҳуқуқининг самарали механизмини таъминлаш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларини изчил қўллаб боришни давом эттириш керак, деб ҳисоблайди. Бу саъй-ҳаракатлар суд ва суд жараёни иштирокчилари ўртасида ўзаро самарали алоқа ўрнатилишини, жумладан, суд ҳужжатлари ва хабарномаларини етказишнинг замонавий услубларини жорий этиш орқали процессуал механизмларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Сайловолди дастурини тинглаб тушундимки, Ўзбекистон ХДП суд-ҳуқуқ соҳасида фуқароларнинг, айниқса, аҳолининг кам таъминланган қатламларининг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш имкониятларини кенгайтириш, хусусан, даъво аризалари киритилганда олинадиган давлат божи миқдорларини мақбуллаштиришни қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон ХДП Бектемир туман кенгаши раиси Ҳабибулла Розиметов ўз чиқишида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг Сайловолди дастуридаги инсон ҳаёти учун зарур соҳалардан бири бўлган соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтди. Бинобарин, истиқлол шарофати билан мамлакатимизда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларга мос тарзда ислоҳ этиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинаётганлигини, шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси давлат ҳамда жамият ҳаётини ҳар томонлама ривожлантириш, юртимизда ҳар бир инсон ва оила учун фаровон турмуш шароитларини яратишда фаол иштирок этиш орқали ўз электорати манфаатини ҳимоя қилиш бўйича доим ўзининг аниқ мақсадлари ҳамда ғояларига эга бўлган сиёсий куч бўлиб, партиядан кўрсатилаётган номзоднинг Сайловолди дастурида ҳам айнан мана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилганлигини қайд этди.

Барча фикр-мулоҳазалардан сўнг, бир қатор сайловчилар, жумладан, 469-МТМ раҳбари Ҳуснора Бўтабоева, «Роҳат» маҳалла фаоли Башорат Мирзатова, «Ишонч суғурта» компанияси ходими Муҳаббат Ходжаева, 3-стоматология шифохонаси шифокори Зиёда Таджиевалар ўзларини қизиқтирган саволлар билан номзоднинг ишончли вакилига мурожаат қилдилар. Номзоднинг ишончли вакили номзоднинг Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, саволларга атрофлича жавоб бериб ўтди.

Йиғилишда кўтарилган масалалар, саволлар ва берилган таклифлар атрофлича таҳлил қилинди ҳамда бўлажак сайловларда ҳар бир сайловчининг ўзининг конституциявий ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланган ҳолда, фаол қатнашиши тавсия этилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИДА



4-мусиқа ва санъат мактаби, Тошкент Давлат молия институти, Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД АКМАЛ САИДОВНИНГ ишончли вакили Феруза Муҳитдинованинг Миробод, Юнусобод ва Олмазор туманларидаги сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирларда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ва туман кенгашлари фаоллари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва маслаҳатчилари, кенг жамоатчилик, ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Таъкидланганидек, амалдаги сайлов қонунчилигида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод фақатгина сиёсий партиялар томонидан кўрсатилиши белгилаб қўйилган. Мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар томонидан ушбу сиёсий жараёнда иштирок этиш учун қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига ҳужжат тақдим этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган ҳар бир номзод ҳозирда республика бўйлаб ўз сайловолди дастури билан сайловчиларни таништирмоқда, сайловолди ташвиқоти олиб борилмоқда.

Учрашувларда сўз олган номзоднинг ишончли вакили Ф.Муҳитдинова номзоднинг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолияти ҳамда сайловолди дастурида белгиланган асосий мақсад ва вазифалар билан сайловчиларни таништирди. Сайловолди дастурида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги имижини ошириш ва юртимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланганлиги, хусусан, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахборот ва халқаро йўналишлар бўйича амалга оширилиши кўзда тутилган вазифаларга миллий қадрият ва анъаналар ҳамда Ватанимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб ёндашилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Жумладан, иқтисодиёт соҳасида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси билан жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш.

Иқтисодиёт ҳақида сўз борганда, шунингдек:

- Хорижда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўрнини босадиган товарларни ишлаб чиқаришга аҳд қилган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, жумладан, улар учун солиқ миқдорини камайтириш, божхона имтиёз ва преференциялари, имтиёзли субсидиялар ва бошқа шакллардаги давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини жорий этиш керак;
- ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган харажатларни қисқартириш, янги, замонавий технологияларни жорий этиш, шунингдек, мамлакатимизнинг турли минтақаларида фаолият юритиб, истиқболли ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналарга солиқ ва мажбурий тўловлар масаласида имтиёзлар бериш йўли билан маҳаллий саноат самарадорлигини янада ошириш зарур;
- миллий бозорни сифати паст, халқаро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлар, ишлар ва хизматлардан муҳофаза этиш, қулай ва жозибадор сармоя муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш лозим;
- халқимизнинг, хусусан ёшларнинг бевосита Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий сифатли кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини қондириш, енгил ва ихчам тўқимачилик корхоналарининг сонини кўпайтириш; уларга маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлайдиган замонавий технологияларни жорий қилиш даркор.

Шу билан бирга, Ўзбекистон кўп асрлик тарихга ва нодир маданий-тарихий меросга эга. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда улкан салоҳияти ҳозирча тўлиқ ишга солинмаган туризм индустриясини ривожлантириш ва юртимизни жаҳон туризм марказларидан бирига айлантириш имконини беради. Шундан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши таклиф этилади:

- сайёҳлик инфратузилмасининг янада ривожланишини, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлишини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ҳамда сайёҳлик логистикасини такомиллаштиришни, сайёҳлик индустрияси билан боғлиқ хизматларнинг турли соҳаларига замонавий ахборот технологияларини жорий этишни таъминлаш керак;
- хорижий меҳмонлар ва мамлакатимиз аҳолиси учун юртимизнинг халқаро нуфузини, мафтункорлигини оширишда асосий омил бўлган туристик фаолият манзилларида, халқаро аэропортларда, вокзалларда кўрсатилаётган сервис ва хизматлар сифатини яхшилаш лозим;
- туризм саноатига йўналтириладиган инвестициялар оқимини янада рағбатлантириш чора-тадбирларини кўриш, жумладан, хусусий капитал ва бизнесга имтиёз ва преференциялар бериш зарур.
- алоҳида қўриқланадиган ноёб табиий ҳудудларни келиб кўриш тартибини кўзда тутадиган туризмнинг фаол турларини, хусусан, экотуризмни ривожлантириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш муҳимдир.

Шунингдек, яна бир йўналиш — ижтимоий соҳа билан боғлиқ бўлиб, бу соҳадаги устувор вазифа аҳоли турмуш сифати, даражаси ва фаровонлигини оширишдир.

Ушбу вазифани тўлақонли бажариш учун:

- озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни янада кучайтириш, аҳолининг овқатланиш хилма-хиллигини кенгайтириш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бунда генларни модификация қилиш усулидан фойдаланишни чеклаш, шу билан бирга аҳолининг овқатланиш маданиятини юксалтириш зарур.
- Ривожланишнинг устувор соҳаси сифатида уй-жой қурилиши ва инфратузилмани қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга имтиёзли фоизларда узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратган ҳолда улар учун уй-жой қурилиши давлат дастурининг бажарилиши бундан кейин ҳам тизимли равишда давом эттирилишига кўмаклашиш керак.
- Қурилиш ва безак ишларида миллий меъморлик анъаналарини ва илғор хорижий тажрибани қўллаш, тарихий шаҳарлар ва очиқ осмон остидаги музейларни қайта таъмирлашга қаратилган йирик лойиҳаларни амалга ошириш лозим.
- Маҳалланинг фуқаролар, айниқса, ёшларимизни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, янги иш ўринларини яратиш, ижтимоий соҳадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш, жойларда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдаги саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш даркор.
- Болалар, аёллар, оғир касалликлар, шу жумладан, одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган хасталиклар (ОИВ/ОИТС) дан азият чекувчи шахсларга самарали ёрдам кўрсатишни изчил давом эттириш, шунингдек, улар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш долзарб аҳамият касб этади.

Бу соҳада партиямизнинг шиори шундай: «Халқи соғлом ва баркамол ривожланган мамлакат – кучли ва қудратлидир!»

Шундан сўнг номзоднинг сайловолди дастури юзасидан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Олмазор тумани Кенгаши раиси М.Юнусов, партия фаоли К.Тошпўлатова, сайловчилар Т.Дўсқулов ва Ш.Холбоевалар сўзга чиқиб, номзоднинг дастури кенг қамровли ва партиянинг сайловолди дастури билан ҳамоҳанг эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Жумладан, ЎзМУ журналистика факультети талабалари фан, таълим, спорт соҳасида, миллий ҳунармандчилик ва ёш оилаларни рағбатлантириш борасида имтиёзли кредитлар бериш масалалари номзоднинг дастуридан қандай ўрин олганлиги юзасидан саволлар беришди ва қониқарли жавоб олдилар.

Тадбир сўнгида сайловчилар 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этиш ва ҳар бир номзоднинг дастури билан танишган ҳолда ўзларининг сайлаш ҳуқуқидан фойдаланиб, муносиб деб билган номзодга овоз беришга даъват этилди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

ДЕПУТАТЛАР СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ҲИСОБОТЛАРИНИ ЭШИТДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мажлисда сўнгги йилларда муҳим давлат масалаларини, Ўзбекистон Республикаси парламенти фаолиятига доир масалаларни ҳал этишда сиёсий партияларнинг роли ва таъсири сезиларли даражада кучайганлиги таъкидланди. Сиёсий партияларни ривожлантиришнинг умумқабул қилинган демократик стандартларга ва мавжуд халқаро нормаларга тўла мос бўлган ишончли ҳуқуқий негизи барпо этилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар сиёсий партиялар ўз дастурий мақсадларини илгари суриш ва амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча имкониятларга эга эканлигини яна бир бор намоён этди. Сайлов кампаниясининг барча босқичларида сиёсий партиялар учун тенг шарт-шароитлар яратилди.

«Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунга кўра, ҳар бир партия, агар парламент сайлови якунларига кўра Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўз фракциясини шакллантириш учун зарур миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритса, ўз устав фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Давлат маблағларининг ҳажми Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов натижасига кўра белгиланиб, маблағлар уларни олиш ҳуқуқига эга бўлган сиёсий партиялар ўртасида Қонунчилик палатасида қўлга киритган депутатлик ўринлари сонига мутаносиб равишда тақсимланди.

Мамлакатимизда сиёсий партияларни молиялаштириш қонунийлик, очиқлик, ошкоралик ва сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлилиги принциплари асосида қонунга қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилди. Қонунга кўра, барча сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиялаштириш ҳажми ва манбалари тўғрисидаги ахборотни ўз вақтида эълон қилиши шарт бўлиб, шунга асосан барча сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ахборотдан ўз аъзолари ва жамоатчилик фойдаланиши учун имкониятни таъминлаб бердилар.

Мажлисда Ўзбекистондаги барча сиёсий партиялар молиявий ҳисоботни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этганликлари ҳам қайд этиб ўтилди.

Мазкур масаланинг муҳокамаси чоғида сўзга чиққан депутатлар бўлиб ўтган парламент сайловлари ёш давлатимизнинг демократик тараққиёти, ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шарти бўлган сиёсий партияларнинг мустақил Ўзбекистон ҳаётидаги роли тобора ўсиб бораётганлигини таъкидладилар. Депутатлар сиёсий партияларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни кучайиб бораётганлиги, давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган вазифалар амалда рўёбга чиқарилиши муносабати билан сиёсий партияларнинг молиявий интизомини мустаҳкамлашда парламент назорати муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳам баён этдилар.

Депутатлар фикрича, сиёсий партияларнинг моддий-молиявий, ташкилий кадрлар ресурслари ўз дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишда катта аҳамият касб этади. Шу сабабли, бу ресурсларнинг ошкоралиги ва қонунийлиги, доимо жамоатчилик назорати остида бўлиши жуда муҳимдир. Кўппартиявийлик тизими ривожланиб бораётган бир шароитда парламентда ва жамиятда сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатни кучайтириш депутатларнинг доимий диққат-эътиборида бўлиши давр тақозоси эканлиги ҳам таъкидланди.

Депутатлар муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда сиёсий партияларнинг 2014 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларни маълумот учун қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Ахборот хизмати



Ўлкамизда Наврўз нафаси









(Давоми. Боши 1-бетда)

Турар жой мавзелари ва маҳаллаларда дарахтларга шакл бериш ва оқлаш, кўча ҳамда йўлакларни тартибга келтириш ишлари амалга оширилиб, 213 минг туп дарахтларга шакл берилди ва оқланди. Умумхалқ хайрия ҳашарига 859 та техника воситалари жалб этилди.

Хайрия ҳашарида жумладан, Учтепа тумани фуқаролари ҳам салмоқли ишларни амалга оширишди. Туман ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Учтепа туман бўлинмаси эзгу ташаббуси билан хайрия ҳашарида маҳаллалар, кўчалар, аҳоли турар жойлари, гузару хиёбонлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар таъмирланиб, ободонлаштирилди, гул ҳамда дарахт кўчатлари экилди. Ҳудуддаги дарахтлар оқланиб, буталди. Маҳалла-кўй, кексаю ёш ҳамжиҳат бўлиб, кўп қаватли уйлар, ҳовлилар атрофи, болалар майдончалари, мактабгача таълим муассасалари ҳамда мактаблар таъмирланиб, кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин ташкил этилди. Энг муҳими, туман фаоллари ташаббуси билан Хондамир, «Истироҳат», «Ибрат» маҳаллаларида яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, жисмонан имконияти чекланган фарзанди бор, кўп болали хонадонларнинг уй-жойи таъмирланиб, маҳалла фуқаролари томонидан ёрдам кўрсатилди.

— Кексаларни қадрлаш, уларга ҳурмат ва эътибор кўрсатиш борасида халқимизга тенг келадигани йўқ, жорий йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилиниши бизда қарияларни беҳад мамнун қилди, – дейди 81 ёшли Умринисо ая Назарова. – Фалокат туфайли икки боламдан бирданига айрилдим. Барака топишсин, маҳалла аҳли мени ёлғиз қолдиришмади. Улар ташаббуси билан хайрия ҳашару ҳайитлар, байраму турли тадбирларда биз ёлғиз яшовчи кексалар ҳолидан хабар олиниб, моддий ёрдам кўрсатилади. Бугунги умумхалқ хайрия ҳашарида ҳам маҳалладаги ёшлар уйларимни оқлаб, ҳовлимизга дарахтлар ўтқазиб, ободонлаштириб беришмоқда. Менинг ёлғизлигимни билдиришмайди, маҳалла-кўй, ҳаммаларига раҳмат айтаман.

— Бугунги тинч, фаровон кунларга шукроналар айтаман, – дейди тумандаги «Истироҳат» маҳалласида яшовчи 77 ёшли онахон Санобар Баҳромова. – Орзуларим рўёбини, невара-чевараларим камолини кўрдим. Худога шукр, 15 та невара, 13 та эварам бор. Биз кексаларга кўрсатаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик учун Юртбошимиздан беҳад миннатдормиз. Илоҳо, юртимизга кўз тегмасин.

Юнусобод туманидаги 58 та маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилган ҳашарда ҳам аҳоли фаол иштирок этди.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 мартда қабул қилинган фармойишига биноан, март-апрель ойлари мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги, деб эълон қилинди. Унинг доирасида 14-15 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Юнусобод туман бўлинмасининг масъул котиби Шаҳзода Муҳаммадиева. — Уюшқоқлик билан ўтказилган ҳашарда тумандаги барча маҳаллалар, аҳоли яшаш жойлари, кўп қаватли бино ва уйлар атрофи, гузар, зиёратгоҳ ва қабристонлар, ариқ, кўча, йўл, йўлак ҳамда болалар майдончалари тартибга келтирилди. Кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар, кекса ва қариялар ҳолидан хабар олинди. Уларга моддий ёрдамлар кўрсатилгани халқимизнинг саховатпешалигидан далолат беради. Туманда мавжуд 6 та қабристонда ҳам тозалаш ишлари олиб борилди. Ёшларнинг фаол иштирокини алоҳида таъкидлаш жоиз. Тумандаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғинида тўрт мингдан ортиқ аҳоли, жумладан, етмишдан зиёд ёши етмиш ва ундан ошган отахон ва онахонлар истиқомат қилади. Наврўзолди умумхалқ ҳашаридан сўнг нуронийлар учун байрам дастурхони атрофида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

— Ҳашар ўзаро меҳр-оқибат ришталарини, айниқса, ёшлар қалбида маҳалла-кўйга, она Ватанга муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлайди, — дейди «Турон» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котибаси Фотима Акбарова. — Маҳалламиздаги 17- ва 43-умумтаълим мактаблари, бириктирилган корхона ва ташкилотлар, маҳалла аҳолиси билан биргаликда ҳашар кўтаринки кайфиятда ўтказилди. Ҳашар давомида маҳаллада истиқомат қилувчи II гуруҳ ногирони, кўзи ожиз, ёлғиз қария Владимир Пагарелов уйининг фасад қисми таъмирланди. Хусусий ва кўп қаватли уйлар ҳудудларига манзарали дарахт ва гул кўчатлари экилди.

Умумхалқ ҳашари давомида ёши улуғ инсонларнинг ёшлар билан ҳамжиҳатликда амалга оширган ишлари қувонарли ҳол. Бу эртанги авлод қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириши шубҳасиз.

— Бу каби хайрли ишлар халқимизга хос инсонийлик ва саховатпешалик фазилатларини намоён этади, — дейди Юнусобод туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Тошпўлат Назармуҳамедов. — Ёшим 83да, турмуш ўртоғим 78 ёшда, шундай дориломон кунларга етказганига ҳар куни шукрона келтирамиз. Кексаларни эъзозлаш йилида ёши улуғ инсонлар бундай хайрли ишлар, эзгу амалларга ҳар қачонгидан ҳам фаол бошқош бўлмоқда.

Барча шифо масканлари, оилавий поликлиникаларда ҳашар кўтаринки руҳда ўтказилди. Жумладан, Олмазор туманидаги 17-оилавий поликлиникада ҳам ободонлаштириш ва тозалик ишлари уюшқоқлик билан олиб борилди.

— Халқимиз эрта тонгдан кўтаринки кайфият, яхши ният билан иш бошлади, — дейди 17-оилавий поликлиника бош шифокори Шаҳзода Алимова. — Жумладан, ўтказилган ҳашар давомида поликлиника ходимлари билан биргаликда ҳудуд атрофида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Умумхалқ хайрия ҳашарида шифохонамиз кўчасидаги дарахтларни оқлаш, йўлакларни тартибга келтириш, атроф-муҳитни турли чиқиндилардан тозалашга, гул кўчатлари экишга асосий эътибор қаратилди.

— Ота-боболаримиз азалдан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келган. Мана шу эзгу анъаналарни давом эттириш мустақил юртнинг баркамол авлодларига ярашади. «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши ва туман Кенгашлари фаоллари, бошланғич ташкилотлар етакчилари ҳам ҳашарда фаол қатнашишди.

— Ҳашардан кўзланган асосий мақсад ёшларимизда она Ватанга муҳаббат, юрт ободлиги, ўтган аждод ва авлодларимиз руҳини улуғлаш каби муқаддас қадриятларимизни сингдиришдан иборатдир, — дейди «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Акмал Жумабоев. — 11 та тумандаги «Камолот» ЁИҲларга белгиланган ҳудудларда ҳашар қизғин ўтди. Бундан ташқари Сергели туманида жойлашган «Камолот» ёшлар боғи»да Тошкент шаҳар Кенгаши фаоллари ва бошланғич ташкилотлар етакчилари фаол қатнашди. Ҳашар давомида боғ ҳудуди ободонлаштирилди, чиқиндилар ва хазонлардан тозаланди. Янги мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари ўтқазилди. «Ҳар бир ёшга бир ниҳол» шиори остида ёшларнинг иштирокини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу каби хайрли ишларни йил бўйи давом эттириш режалаштирилган. Ахир ёшлар эртанги куннинг таянчи ва суянчи ҳисобланади.

Шунингдек, пойтахтимизнинг қолган туманларида ҳам ҳашар уюшқоқлик ва ҳамжиҳатликда ўтказилди. Ҳашар давомида кўчалар, боғлар ва турли масканлар ҳуснига ҳусн қўшилиб, янада кўркамлашди.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган суратлар

УЮШҚОҚЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК БИЛАН

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2015 йил 7 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, 2014 йил 24 ноябрь кунги 9693/2-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

1. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тум., Олтинтепа кўч., 202-уйда жойлашган, умумий майдони 184,2 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 355 817 000 сўм.

2. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тум., Анжиробод кўч., 10-уйда жойлашган, умумий ер майдони 501 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 362 031 000 сўм.

3. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тум., Подшобоғ кўч., 61-63-уйларда жойлашган, умумий майдони 1090 кв.м. бўлган 2 қаватли уй-жой. Бошланғич нархи – 1 900 129 000 сўм.

4. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тум., Шалола кўч., 30-уйда жойлашган, умумий майдони 454 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 202 844 000 сўм.

5. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тум., Анжиробод кўч., 12-уйда жойлашган, умумий майдони 329 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 185 948 000 сўм.

